


КИТОБЛАРНИ САҚЛАШ МАЪНАВИЯТНИ АСРАШДИР



**Матлуба
Мирзоджаева,**
Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси Китоб
фонди ва даврий
нашрларни сақлаш
хизмати раҳбари

Кутубхонашуносликда «фонд» термини XX асрнинг 20 йилларидан бошлаб ишлатиб келинмоқда. Кутубхона фондлари кутубхона фаолиятининг асоси ҳисобланади. Фондларсиз биронта кутубхона ўзининг вазифасини бажара олмайди. Кутубхона фондлари миллий бойлик ҳисобланиб, катта маънавий қимматга эга. Шунинг учун ҳам, кутубхоналарнинг асосий вазифаларидан бири жамият томонидан асрлар давомида тўпланган китоб бойликларини узоқ вақт асл ҳолда сақлаб, авлодларга етказишдан иборат.

Кутубхоналарнинг кўпчилигида фонднинг асосий қисмини китоблар ташкил этса ҳам, фонд фақат китоблардан иборат бўлмайди.

Кутубхона фондларига журналлар, газеталар, ноталар, карталар ва бошқа босма асарлар, шунингдек, аудиовизуал материаллар (аудио, видео маълумотлар, компакт дискдаги аудиокитоблар, DVD дискдаги видеоёзувлар, пластинкалар ва шу кабилар) ҳам қиради.

Ана шу фондлар тегишли тарзда тартибга солинган, яъни илмий ва техникавий жиҳат-

дан ишлов берилган, муайян тизим бўйича жойлаштирилган, авайлаб сақланган бўлиши лозим.

Миллий кутубхона фондида ўлкашуносликка доир ва кўшни мамлакатлар тўғрисидаги адабиётларнинг жуда катта коллекцияси йиғилган ва эҳтиёт қилиб сақланиб келинмоқда.

Ҳозирги кунда жуда катта эътибор фондларни шакллантириш, сақланишини таъминлаш ва электрон нусхасини яратишга қаратилган. Адабиётлар стационар ва мобил стеллажларда сақланади.


Стационар стеллаж, бу – кутубхона муассасалари учун мўлжалланган оралиқ масофаси 75 см га тенг бўлган ҳаракатланмайдиган очиқ қурилма.

Мобил стеллаж, бу – кутубхона муассасалари учун мўлжалланган бўлиб, оралиқ масофаси 75 см га тенг, йиғиладиган, рельсда ҳаракатланадиган ёпиқ қурилма.

Унинг стационар стеллажларида турли мавзудаги китоблар, альбомлар, авторефератлар сақланса, мобил стеллажларда эса, газета ва журналларнинг муқоваланган йиллик тўпламлари, шунингдек, ноталар, грампластинкалар, географик хариталар сақланади.

Ўқиш залларининг ёрдамчи фондларида ўзбек, рус ҳамда жаҳон адабиётининг классик асарлари, энг кўп ўқиладиган бадиий ва илмий адабиётлар, ҳозирги замон фанининг ҳамма тармоқларига оид тўпланган асарлар, олий ўқув юрталари ва ўрта махсус касб-хунар коллежлари учун чиқарилган дарслик ва ўқув қўлланмалар, энг янги ижтимоий-сиёсий, илмий асарлар, энциклопедиялар, изоҳли лугатлар сақланади.

Асосий китоб фондида I-VII форматгача турли мавзудаги, ижтимоий-сиёсий ҳамда фаннинг барча жабҳаларига оид рус тилидаги адабиётлар, ўзбек ва рус тилларидаги



Стационар стеллаж

ўлкашуносликка оид адабиётлар («Ю-У» ҳарфий ишора билан белгиланган), чет эл ёзувчиларининг ўзбек тилига таржима қилинган асарлари («N» ҳарфий ишора билан белгиланган), қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик, қрим, уйгур тилларидаги турли мавзудаги адабиётлар («N2 дан-N8» гача), бадиий безатилиши билан фарқ қиладиган, алоҳида ажралиб турадиган альбомлар («А» ҳарфий ишора билан белгиланган), яна ўлкашунослик фондига инқилобдан олдинги Туркистон ва Ўрта Осиёдаги бутун республикаларга бағишланган барча рус, Ғарбий Европа ва Шарқ тилларидаги китоблар («В» ҳарфи ишораси билан белгиланган), географик, геологик, тарихий ва бошқа харита ҳамда атласлар («К» ҳарфи билан белгиланган), диссертациялар авторефератларининг катта коллекцияси («АР» ҳарфи билан белгиланган) тўпланган ва эҳтиётлаб сақланиб келинмоқда.

Бундан ташқари, асосий фондларда сақланиб келинаётган ва фойдаланувчилар томонидан кўп сўраладиган, давом этувчи фондлардан бу вақтли нашрлар фондидир, уларга журналлар ва газеталар киради.

Мобил стеллажларга журналларнинг ҳамма йиллардаги сони алифбо тартиби бўйича териб қўйилган. Илмий муассасалар ва жамиятлар, илмий текшириш институтлари, олий ўқув юрти олимларининг асарлари, фан ва техниканинг муваффақиятларини ўзида акс эттирган журналлар («D» ҳарфий ишораси билан белгиланган) ва унинг ёнига жилд ёки йилини кўрсатувчи рақамлар қўйилган, Ўрта Осиё халқларининг тилларидаги, шунингдек, бошқа халқлар (қорақалпоқ, озорбайжон, татар ва ҳоказо) тилларидаги журналлар («R» ҳарфий ишораси билан белгиланган), чет элларда инқилобдан олдин нашр этилган Ғарбий Европа тилларидаги журналлар сақланади. Бу асарлар илмий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга.

Газеталар кутубхона фондининг энг катта қисмини ташкил қилади. Улар мобил стеллажларга, йилларига қараб, алифбо ва хронологик тартибда жойлаштирилган. Шу кунга қадар йиғилган ва сақланиб келинаётган, Туркистон ўлкасида нашр этилган газеталар тарихни ўрганишда жуда қимматли манба ҳисобланади.

Ихтисослаштирилган фондлар ва мажбурий нусхалар фондида 1923 йилдан бошлаб йиғилган ноталар ўзбек композиторларининг асарлари, рус халқ ашулалари ва операси, хорижий мамлакатларнинг нота маҳсулотлари, грампластинкалари жамланган,

ўлкашуносликка оид турли мавзуларда нашр этилган адабиётларнинг мажбурий нусхалари ҳамда депозит адабиётлар (доимий сақланадиган Миллий кутубхонанинг ахборот фонди қисми) йиғилган ва сақланмоқда.

Қўлёзмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар фондида ўзбек, рус ва чет эл нашрлари, қадимдан сақланиб келинаётган қўлёзмалар, машҳур олим ва ёзувчиларнинг дастхатлари бўлган китоблар, журналлар ва газеталар сақланади.

Барча фондлардаги адабиётлар омборхоналарнинг стационар ва мобил стеллажларида ҳарфий ишора белгилари ва форматлари бўйича, шифр кетма-кетлигида териб қўйилган ҳамда бу китобларнинг шифри, яъни китоб жавонларидаги жойини кўрсатувчи рақам каср тариқасида ёзилади. Касрнинг устки рақами китобнинг тартиб рақамидан иборат бўлса, остки рақами китобнинг формати, яъни ҳажмини белгиловчидир.

Бугунги кунда кутубхона фондларида 7 миллионга яқин адабиётлар сақланмоқда ва фойдаланиш учун берилмоқда.

Фондларни тартибга келтириш, муайян бир тизимини барпо қилиш, улардан яхшироқ фойдаланишга мувофиқ равишда ташкил этиш демакдир.

Китоб фондларини жойлаштириш яъни уларни жавонларга тахлаб чиқиш фонддан кенг ва самарали фойдаланиш, бу кутубхонанинг асосий вазифасини бажаришнинг зарурий шартидир. Фойдаланувчининг кутубхонага мурожаат этиши унга жавондан китоб олиб бериш ва у қайтариб берган адабиётни китоб жавонларига жойлаштириш билан бирга олиб

Сейфларда сақланадиган ноёб ва алоҳида қимматли ахборот-кутубхона ресурслари бўйича 3 йилда бир марта текшириш ўтказилади

Кутубхона фондларида 7 миллионга яқин адабиётлар сақланмоқда ва фойдаланиш учун берилмоқда



Мобил стеллаж



Китоб
сакланадиган
хоналар учун
 $18 \pm 2^\circ\text{C}$, нисбий
намлик $55 \pm 5\%$,
ҳаво ҳарорати
нормаси тавсия
этилади

борилади. Кутубхонада ўтказиладиган барча тадбирларга, ташкил қилинадиган китоб кўргазмалари учун китобларни танлаш ва библиографик сўровномалар учун адабиётлар танлашда УЎК асосида излаб топиш самаралидир.

Кутубхона ишининг сифати, фойдаланувчи талабини қондиришнинг тезкорлиги кутубхона фондининг жойлаштириш системасига бевосита боғлиқ. Китобнинг мазмунидан келиб чиқадиган системали жойлаштириш кутубхонада мавжуд бўлган бир хил мазмундаги адабиётларнинг барчасини бир жойга тўплашдир. Китобларни каталогларга қарамасдан ҳам, бевосита жавоннинг ўзидан олиб бериш ва шу билан китоб топиб бериш жараёнини тезлаштириши мумкин. Бундай жойлаштиришда кутубхоначи-мутахассис ўз фондини яхши билади, чунки у ҳамisha мазмуни бўйича танланган китоблар билан ишлайди. У бир турдаги мазмунга эга бўлган асарлар билан жавонда бир қаторда турган ҳар қандай китобни топа олади ва шунинг учун у маълум бир соҳага айрим масалага бағишланган китоб-

ларни ёдида сақлаб қолади. Фойдаланувчининг талабидан келиб чиқиб, уни қизиқтирадиган масала юзасидан шунга мос келадиган мазмундаги китобни олиб бериш учун ҳам қулай имкон яратилади.

Айнан шундай жойлаштирилган китоб фондларига ёки унинг бир қисмига фойдаланувчи очиқ кира олиши мумкин бўлади. Фойдаланувчи китобнинг шифри бўлмаган тақдирда ҳам, китоб муаллифини ва китобнинг сарлавҳасини билса, ҳар доим ҳам каталогга мурожаат этишга ва унинг шифрини қидиришга ҳожат қолмайди.

Бундан, системали жойлаштиришда каталог билан ҳисоблашмай, фойдаланувчига китоб беравериш мумкин экан, деган хулоса келиб чиқмайди, албатта. Каталогсиз китоб фондидан ҳар томонлама тўлиқ фойдаланиш мумкин эмас.

Бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг ахборот-ресурс муассасаларига УЎК, яъни Универсал ўнлик классификация жадвалини ҳозирги кунга мослаштирилган ҳолда тузиш ва яратиш лозим.

Барча тузилган ўнлик классификациялар сингари, Ўзбекистон Республикасининг Универсал ўнлик классификацияси ҳам илм-фан ривожланишининг муайян даражасини акс эттирибгина қолмай, барча бўлимларда республикамизнинг миллий хусусиятини, жаҳон тажрибалари ҳамда ютуқларини ҳисобга олиш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги кунда Миллий кутубхонада фойдаланувчилар учун қулайликлар яратиш мақсадида, адабиётларни УЎК бўйича жойлаштириш зарурат даражасига етди.

Матлуба Мирходжаева, руководитель службы хранения книжных фондов и периодических изданий Национальной библиотеки Узбекистана

В статье освещены вопросы организации фонда Национальной библиотеки Узбекистана, по составу и объему, видам расстановок применяемых в библиотеке.

Качество работы информационно-библиотечных учреждений зависит от правильного расположения фонда, что может в разы ускорить запросы пользователей. Информационно-библиотечные ресурсы в открытом фонде Национальной библиотеки Узбекистана расположены по ББК и УДК, что облегчает самостоятельный поиск информации пользователями. Информационно-библиотечные ресурсы основного фонда Национальной библиотеки Узбекистана имеют форматно-порядковую расстановку и разделяются на несколько групп по высоте их материальной основы, а в пределах каждой группы представляются по порядковым номерам. Для оптимизации поиска информационно-библиотечных ресурсов в общем фонде Национальной библиотеки началась работа по переводу общего фонда на систему УДК. ■